



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 24 октябр, сешанба № 156 (988)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И 2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, жорий йилда пахта терийш ва тайёрлашнинг паст суръатлари гўзалар ўсишининг барча босқичларида уларни парвариш қилиш агротехнологиясининг жиддий бузилишлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжалик таъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси ва уларнинг жойлардаги органларининг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва пахта етиштиришнинг илгор технологияларини жорий қилиш масалаларига эътиборни сувайтириб юборганликлари оқибати-дир.

Бир қатор вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари баҳор давридаги қўлай иқлим шароитларидан фойдаланмадилар, чигит экиш муддатларини чўзиб юбордилар, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бўхоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида чигит экиш жорий йилнинг 10 майгача давом этди, бу чигит униб чиқишига салбий таъсир кўрсат-

ди. Айнан шу вилоятларда гўзалар бутун ўсиш даврида уни зарур даражада парвариш қилиш ташкил этилмади.

Кўпчилик хўжаликлар ва туманларда ҳўкumat қарори билан тасдиқланган пахтани навлар бўйича жойлаштиришга риоя қилинмади. Тезпишар ва серҳосил навларни экиш ўрнига синовдан ўтмаган ва маҳаллий шароитларга мослашмаган пахта навлари экилди. Гўзаларни озиклантириш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар солиш нормалари кўпол равишда бузилди, сувдан оқилана фойдаланилмади, сув бошқа мақсадларга сарфланди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари Андижон вилояти хўжаликларига жорий йилнинг мураккаб шароитларида сентябрь ойида белгиланган топшириқни бажариш ва келгуси йил ҳосили учун ишларни авж олдириш имконини берган плён-ка остида пахта етиштиришнинг илгор Андижон технологиясини кенг жорий этилишини таъминламадилар.

«Ўзқимёсанот» уюшмаси корхоналари ва ташкилотлари полиэтилен плёнкарларни ишлаб чиқаришни зарур даражада ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. «Ўзқишлоқхўжалик таъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси хўжаликларга зарур эҳтиёт қисмлар ва тузатиш материаллари ўз вақтида етказиб берилишини, техниканинг дала ишлари мавсумига сифатли тайёрлашини таъминламади.

2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллашга барча ресурсларни сарфбар қилиш ва 2001 йил ҳосили учун зарур агротехника чора-тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлик-

лари (Андижон вилоятидан ташқари), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжалик таъминотузатиш» давлат-кооператив кўмитаси, «Ўзқимёсанот» уюшмаси раҳбарларининг жорий йилдаги пахта етиштириш ва уни йиғиштириб олишга доир ишлари қоникарсиз деб ҳисоблансин.

Жиззах (Мирзайёев), Бўхоро (Хусенов), Навоий (Дилов), Самарқанд (Рўзиев), Сурхондарё (Олимжонов) ва Сирдарё (Исроилов) вилоятлари ҳокимларига пахта етиштириш агротехникаси ва технологияси талабларига қатъий риоя қилиниши учун қишлоқ хўжалиги органлари ва хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан зарур талаб-чанликнинг йўқлиги, пахта йиғим-терими қоникарсиз ташкил этилганини кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлик-

лари: хўжаликлар, қишлоқ хўжалиги бошқаруви органларининг жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили етиштиришнинг барча босқичларидаги ишларини танқидий ўрганиб чиқсинлар, 2000 йилда йўл қўйилган бузил-лишлар ва хатоларга бундан бўён йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 79-сон қарори билан тасдиқланган пахтани навлар бўйича жойлаштиришни бузган хўжаликлар ва туманлар раҳбарларининг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсинлар ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси амалда экилган пахта навларининг районлаштирилган навлардан четга чиқиши ҳолларини аниқласин ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортсин.


3. Пахта йиғим-теримини тугаллашга доир сафарбарлик чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилсин.

(Давоми 2-бетда).

Йиғим-терим ва касаба уюшмалари

ДЕҲҚОН ЮКИ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Олтин куз. Қумушранг ҳазонлар билан безанган бордик ўзгача гўзаллик касб этган. Мезонларнинг нафис учини эса ана шу гўзалликни ажиб тароват ила бойитади. Фақат, фақат ерга бутун меҳру муҳаббатини, қалб кўрини берган бободехқонгина бехаловат. У бутун йил давомида пешона тери билан етиштирган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш иштиёқида. Дарвоқе, бугун нафақат пахтакор дехқонлар, балки барча-барчанинг кўнглида ана шу эзгу ният. Ҳашарчилар бу ниятга уйғун ҳолда далаларида юксак хирмон кўтариш мақсадида дехқонларимизга кўмак бермоқдалар.



Айниқса, пахтакорларга катта мадад бўлаётган вилоят олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талаба ёшларининг ғайрат-шижоати кишини қувонтиради.

— Айни вақтда воҳа пахта далаларида, — дейди вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шўхрат Деҳқонов, — вилоят олий ўқув юртлирининг 2100 дан ортиқ талабаси пахта хирмонига ўзларининг 4 минг тоннага яқин улушларини

кўшган бўлсалар, ўрта махсус билим юртлирининг 4200 га яқин ўқувчилари 6200 тонналик хирмон уйдилар. Пахта Йиғим-теримида айниқса, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти талабалари ўз тенгдошлари орасида илгорликни кўлдан бермай келмоқда.

Биз институтнинг хорижий тиллар факультети талабалари пахта тераяётган Дўстлик тумани К.Раҳимов номидаги ширкатлар уюшмасининг

6-бўлимига етиб келганимизда, талабалар эндигина тушликка чиқишган экан. Улар учун яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ётоқхона, ошхона нани кўздан кечириб, талабаларга маданий-маиший, тиббий хизмат намунали йўлга қўйилганлигига амин бўлдиқ.

— Талабаларимизнинг ҳар бири кунига ўртача 60-65 килограммдан пахта териб, хўжалик хирмонига тўқишпти, — дейди биз билан суҳбатда факультет деканининг ўқув ишлари бўйича

ўринбосари Шавкат Жумаев. — Шароитимиз ёмон эмас. Озиқ-овқат маҳсулотларидан узилишлар йўқ.

Факультетнинг II курс талабаси Нилуфар Кўшмуродова мавсум бошидан бери 2 тоннадан ортиқ пахта териб илгор теримчига айланган бўлса, Азиз Бойматов, Нарғиза Тошмуродова, Раъно Пирматовна, Муножат Рашидова, Шохзам Абдурахмоновларнинг ҳар бири шу кунгача 1,5 тоннадан хирмон уйдилар. Шу кун ишлар-

га Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси ҳамда вилоят кўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

Кейинги манзилимиз институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультети талабалари пахта тераяётган «Гулистон» ширкат хўжалигининг 1-бўлими эди. Маълум бўлишича, бу ерда 161 нафар талаба ҳосилни териб олишда дехқонларга кўмаклашаётган экан.

— Ушбу ширкат хўжалигига ҳар йили ҳашарга келамиз, — дейди факультет декани Баҳодир Файзуллаев. — Улар бизга, биз уларга ўрганиб қолдик.

Дала шийпонига киришингиз билан энг аввало бу ердаги саранжом-сарашталик, озодалик эътиборингизни тортади. Шийпонда маданий-маърифий ишлар ҳам кўнглидагидек ташкил этилган. Айтиб беришиди: «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлаш-

масининг Дўстлик тумани бўлими санъаткорлари икки марта келиб кетишибди. Ҳаваскор талабалар ҳам ҳар оқшом ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Талабалар орасида кўпминг килограммчилик ҳаракати авж олган. Дилноза Толипова, Муқаддас Жонадинова, Озод Салибов, Гулчехра Бобожонова кабилар кунига 100-130 килограммдан пахта тераятир.

Тушлик чоғи бу илгор теримчилар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг Фаҳрий ёрликлари ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирландилар.

Биз талабалар ҳузуридан қайтар эканмиз, ҳашарчи ёшларга пахта хирмонини бунёд этишдек хайрли ишларига омад тиладик.

Шавкат ЕҲУБОВ, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг масъул ходими.

ХОИН ҚИСМАТИГА ХОРЛИК ЁЗИМИШ

Республика Прокуратураси томонидан бир гуруҳ Ватан хонлари — экстремист гуруҳларнинг жиноятлари ҳусусида «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Прокуратура айбномаси» жойларда кенг муҳокама қилиниб, ҳурлик ва озолигимиз душманларининг ёвуз кирдикорлари ланъатланмоқда.

ОНАНИ ЙИҒЛАТГАН ХУДОНИНГ ҚАҲРИГА УЧРАР

Т.Йўлдошев ва унинг ҳамтовоқларидан иборат қуролланган гуруҳлар томонидан Андижон вилоятида ҳаммаси бўлиб 12 та оиллага нисбатан босқинчилик содир қилинган, натижада 7 нафар фуқаро ўлдирилган...

1999 йил 30 март куни жиноий уюшма аъзолари С.Бобоҷонов, Х.Халиллаев ва бошқалар Тошкент, Урганч йўналишида ҳаракатланаётган «Икарус» русумли автобусдаги 26 нафар йўловчи ва 2 нафар хайдовчини гаровга олганлар. Гаровдагиларни овоз қилиш вақтида 5 нафар беғуноқ фуқаро улар томонидан отиб ўлдирилган...

1999 йил 25 январ куни жиноий уюшма аъзолари... Янгибозор туманида яшовчи Р.Қўчқоровнинг уйига ҳужум қилиб, жами 8 миллион 646 минг сўмлик мулкни тортиб олганлар...

Гаровга олинган... отиб ўлдирилган... тортиб олинган... Буларни ўқиб туриб, ёқа ушлаيمان. Наҳотки, шундан кейин ҳам

«Прокуратура айбномаси» билан танишиб, бир нарсга амин бўлдим. Энди улар тузалишмайди, бошқаларни ҳам ўзлари ботган лойга тортиш муртадларнинг ҳаёт мазмунига айлиниб қолаверди. Бас, шундай экан, бундайларга шафқат бўлмаслиги керак.

О.МАТМУРАТОВА, Хоразм вилояти.

БУНДАЙЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Дейдиларки, буюқ фотих Искандар Зулқарнайн ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Спитамен бош бўлган ватанпарварларни тобе этолмайди. Шунда доно вазирлари маслаҳати билан Искандар гўё ўзини унинг хотинига ошиқ бекор қилиб кўрсатиб, муҳаббат изҳор этилган мактуб йўллади. Фотихнинг сўзларига учан енгилтак хотин Спитамен ухлаб ётганида унинг бошини танидан жудо қилиб, Искандарга тўхфа этади. Во даври, жаҳонгир шох уни ўлдиришга буюради. Бундан ҳайрон бўлганларга эса шох шундай дейди: «Ўз эрига, ўз ерига, ўз элига хиёнат қилган хотин менга садодат кўрсатармиди?»

Бундай воқеалар тарихда кўплаб юз берган. Таассуфки, хонлик кўчасига кирганлар ҳозирги кунда ҳам бор экан. «Прокуратура айбномаси» динни никоҳ қилиб олган, фикри-зикри ҳокимиятини эгаллаш бўлган ватанфурушларнинг афт-башарасини очиб ташлайдики, у ҳамон оқ билан қорани ажратолмай юрган адашганларнинг эс-хушини йиғиштириб олишига кўмаклашадди, деб ўйлайман.

Ҳа, биз Спитамен, Широқ, Амир Темуэр авлодларимиз. Биз учун энг муқаддас туйғу, бу ер ва хурликка яшашдир.

М.ТОҶИБОВЕВА, Марғилон шахри.

ХАЛҚ ЎЗ ХУКМИНИ ЧИҚАРИБ БЎЛГАН

Эл назаридан қолган, эл нафрати ва қарғишига учраган қимсаларнинг икки дунёси қорадир. Буни ота-боболаримиз кўп таъкидлашган. Ватанига, халқига садоқатли бўлмаганлар қанчалар хор-зорликка учраганлари ҳақида ибратли мисоллар келтиришган. Гунчо азимдан қўрқини, зоҳирий ва ботиний ҳаётни баб-баравар ўйлаб иш тутиш лозимлигини уқтиришган.

Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев, Салай Мадаминов каби ватангадолар ва уларнинг гўшталари баъзи иродаси суёт ёшларни йўлдан урмоқчи бўлдилар. Тайини йўқ, асоссиз, пуч ваъдаларни бериб жаннатни ваъда қилдилар. Ўзлари сингари Ватандан йироқда қимларнингидир садақаси ҳисоби-га яшашга ўргатмоқчи бўлдилар.

Эс-хушини йиғиб олган, ота-онаси, оиласини ўйлаган, киндик қони тўқилган Ватанини кўмсаган йиғитлар бу нотўғри йўлдан қайтдилар. Афсуски, гуруҳ орасида қурмак бўлганидек, жиноятчи гуруҳларга қўшилиб кетганлар Президентимизнинг бағрикенглигини, кечиримлигини тушунмадилар.

Энди ундайларга айтиладиган гап битта: ахшиликни тушунмадим, жинояткорона ҳаракатини давом эттирдим, шунга яраша жазосини олсин. Халқнинг осойишталигини бузиб ёвуз ниятига етмоқчи бўлганлар давлатимиз қонунларига биноан жавоб беради. Халқ ўз ҳукмини аллақачон чиқариб бўлган.

С.ФАЙЗИЕВ, Зомин тумани, Қайирма қишлоғи.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАРКОТИКЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИ, УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақсадлари

2000 йилнинг 19-20 октябр кунлари Тошкентда Марказий Осиеда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга интеграциялашган ёндашув мавзуда бўлиб ўтган халқаро анжуманда иштирок этган Марказий Осие давлатлари, Марказий Осие мамлакатлари, БМТнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик таш-

килоти (ЕХХТ), БМТнинг наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш босқармаси (НМНЖООБ) каби БМТнинг халқаро ташкилотлари ва ихтисослаштирилган агентликлари, шунингдек Марказий Осие мамлакатларининг наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бора-сидаги саъй-ҳаракатларини кўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлган бошқа давлатлар ва томонлар

ўртасидаги ҳамкорликнинг куйидаги умумий йўналишларини белгилаб олишди. Марказий Осие давлатлари наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчилик муаммолари бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканидан ва бу иллатларнинг турли манбалари ва бошқа жиҳатларидан яхши хабардордирлар.

1. Ҳамкорликни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш Марказий Осие давлат-

лари ҳамкорликни миллий, минтақавий, ҳудудий ва халқаро миқёсларда мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштириш лозимлигини қайд этди. Бундан кўзланган мақсад - наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик, террорчилик иллатлари ва уларнинг ўзаро чирмашиб кетишининг олдини олиш, назорат қилиш ва таг-томири билан йўқ қилишдан иборат. Бунда инсон ҳуқуқлари, (Давоми 2-бетда).

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД ота-она шўри, умр эгови

Ватан қорига яраш — олий саодат. Муштақил Ўзбекистон байрогини мағрур хилпиратган Сидней Олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг улкан муваффақияти, Ватанимиз сарҳадларига суқилиб кирмоқчи бўлган ярамас террорчиларга қарши қурашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ўғлонлар жасорати, қайноқ меҳнат жабҳасида сидқидилдан тер тўкиб, юкюри кўрсаткичларга эришаётган фидойилар фаолияти худди ана шу садоқат, юксак эътиқод намунасидир. Бироқ,

афсуслар бўлсинким, баъзи ирода-сиз, эътиқодсиз, муқаддас туйғулардан йироқ бўлган ёшлар қабиҳ ишларга қўл уриб гуноҳи азимга ботмоқдалар.

Эътиқоднинг сустлиги, лақмалик қандай оқибатларга олиб келишини Қаҳрамон Машарипов тақдир мисолида кўриш мумкин. Ҳазорасп тумани марказидаги Навоий кўчаси 121-уйда истиқомат қиладиган бу йиғит сиртдан қараганда, қўй оғиздан чўп олмайдиган ювошгина кўринадди.

Иснод

Унинг гулдэк хунари, дўст-ёрлари, яқинлари орасида хурмат-эътибори бор эди. Аммо мўмай пул топши орзуси Қаҳрамонга тинчлик бермасди. Охири тулпа-тузук ишлаб турган сартарошлик касбини ташлаб, ўтган йилнинг март ойида Россияга йўл олди.

Эътиқодсиз, бойликка хирс қўйган кишиларнинг йўлдан озини осон бўларкан. Поездда Салим ака деган киши билан танишгач, Қаҳрамон чуқур мулоҳаза юритмай мақсадини ўзгартирди. Улар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг Қ А Р О Р И

2000 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШНИ ТУГАЛЛАШ ВА 2001 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Комиссия масъул идоралар, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ва ҳўжаликлар билан биргаликда; зудлик билан пахта қуриштириш жойлари тайёрлашни ва қуриштириш-тозалаш цехлари ишга туширилишини; кўрак чувиш машиналари таъмирлашни ва тайёрлаб қўйилишини таъминлаш; бир hafta мuddатда кўрак териш машиналари ўз вақтида таъмирлашни ва ишлашига тайёрлаб қўйилишини таъминлаш ҳолда, улар билан кўракларни йиғиштириб олиш жадвалини белгиласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2000 йилнинг ноябригача ахборот берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликташминоттузатиш» давлат-кооператив кўмитаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимлари бошчилигида вилоятларда жорий йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллашга барча ресурсларни сафарбар қилиш ва 2001 йил экиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича штаблар тўзсинлар;

Йигирм-терм мавсумини жорий йилнинг 15 ноябригача тугалласинлар;

ҳайдов тракторлари ва плугларни кузги шўдорлашга тайёрлаб қўйишни тугаллаш ишларини кучайтирсинлар, пахта майдонларини жорий йилнинг 15 декабригача чуқур ҳайдаб қўйиш учун уларни гўзапоялардан тозалаш ва ҳайдаш жадвалини тузиб чиқсинлар. Ушбу мақсадлар учун вилоятдаги мавжуд барча ҳайдов тракторлари, уларнинг қайси идорага қарашлилигиндан ҳамда ташкилот ва корхоналарнинг мўлқилик шаклларида қатъи назар, сафарбар этилсин;

шўрланган ерларни ювишни ҳамма жойда авж олдирсинлар. Бундай майдонларга тўпроқ шўри ювилгандан сўнггина экин экилсин;

кузги бошоқли дон экинлари экишни 7 ноябригача тугалласинлар;

Молия вазирлиги билан биргаликда тўпроқ шўрини ювиш сифати ва баҳарилган ишлар ҳажмига қараб ушбу ишда банд бўлган ходимларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

5. Андижон вилояти ҳокимлигининг куз-қиш даврида экишдан олдинги ишларнинг 80 фоизгачасини бажариб қўйиш, сифатли, дориланган ва сараланган уруғларни, ерларни пушта олган ҳолда тайёрлаб қўйиш, тезпишар гўза навларини плёнка остига эрта экишдан иборат пахта етиштириш технологиясини қўллаш бўйича иш тажрибаси маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, жўлардаги қишлоқ ҳўжалиги органлари, ҳўжаликлар раҳбарлари пахта етиштиришнинг Андижон технологиясини пухта ўрганиб чиқсинлар ва уни жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ўз минтақаларида жорий этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2001 йилда чигитни плёнка остига экиш бўйича ўн кун мuddатда Вазирлар Мақамасига тақлиф киритсин.

«Ўзимёсанот» уюшмаси, Андижон ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда полиэтилен плёнка ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва пахта экувчи ҳўжалик-

ларни плёнка билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Мақамасига йигирма кун мuddатда тақлиф киритсинлар.

6. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази;

республиканинг бошқа пахта экувчи минтақаларида кенг қўллаш учун пахта етиштиришнинг Андижон технологиясини стандартлари кўрсаткичларини икки ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

селекционерлар ва мутахассислар иштирокида, табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиб, кечпишар пахта нави чигитларини экишни қатъий тақлиқлаган ҳолда, 2001 йил ҳосили учун гўзанинг тезпишар ва серҳосил навларини жойлаштириш бўйича жорий йилнинг 1 декабригача Вазирлар Мақамасига тақлифлар киритсинлар;

тадқиқот ва селекция ишларини ташкил этишда гўзанинг тезпишар, серҳосил ва касалликларга чидамли навларини яратишга алоҳида аҳамият берсинлар;

вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кун мuddатда Вазирлар Мақамасига пахтанинг ингичка толали навларини экишни кескин камайитириш бўйича тақлифлар киритсинлар.

7. «Ўздавпахтасаноотсотиш» уюшмаси 2001 йилнинг 1 февралигача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича, эҳтиёт захирани ҳисобга олган ҳолда, юқори сифатли, дориланган ва сараланган уруғлик чигитни талаб қилинган миқдорда тайёрласин. 2001 йил ҳосили учун пахтанинг навлар бўйича жойлаштирилишига мувофиқ ҳолда тезпишар ва серҳосил пахта чигитини тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги; республика ва вилоятларнинг тегишли органларини жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳўжалик ва туманда чигит экишни 12-14 календарь кунда тугаллаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишлигини ташкил этсин. Бунда чигит экишни 10 апрелгача тугаллаш назарда тутилсин, шимолй туманлар бундан мустасно;

Молия вазирлиги билан биргаликда экиш мавсумини кўрсатилган мuddатларда, сифатли ўтказиш мақсадида унда қатнашадиган ишловчиларни рағбатлантириш юзасидан икки hafta мuddатда тақлифлар ишлаб чиқсин.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликташминоттузатиш» давлат-кооператив кўмитаси ер текисловчи техникалар, саялкаси ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги техникаларини зарур миқдорда ўз вақтида тайёрлашни таъминласинлар, шунингдек ҳўжаликларнинг биуртмалари бўйича чигитни плёнка остига экиш саялкаларини тайёрлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. «Ўзимёсанот» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Марказий банки, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда минерал ўғитларни солиш нормалари ва озикли моддалар нисбатини ҳисобга олган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигини улар билан таъминлаш бўйича келишилган тақлифларини икки hafta мuddатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Мақамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Холтоев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Мақамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 октябр

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАРКОТИКЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИ, УЮШGAN ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақсадлари

(Боши 1-бетда).

қонун устуворлигига тўла рияоз қилинади ва жумладан, қўйидаги воситалар ёрдамида амалга оширилади:

а. наркотиклар, жиноятчилик ва террорчиликни фақат миллий тузилмалар томонидангина эмас, балки жамоатчилик ва таълим муассасалари томонидан ҳам назорат қилиш борасидаги мувофиқлаштириш ишларини янада такомиллаштириш. Бундай мувофиқлаштиришни илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва умуман, фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш орқали мустаҳкамлаш имкониятлари мавжуд;

б. зарурат туғилган тақдирда минтақада халқаро ташкилотлар, ихтисослаштирилган агентликлар билан ҳам, донор ташкилотлар билан ҳам, ЕХХТ ва БМТнинг НМНЖООБ билан ҳамкорликда, мавжуд битимлар доирасида, ўзаро мувофиқлаштиришни мустаҳкамлаш. Бунинг учун бошқа чоралар билан бир қаторда давра суҳбатлари ўтказиш мақсадага мувофиқдир;

в. мунтазам равишда минтақавий ва минтақаларо тайёргарлик курсларини ташкил этиш;

г. биргаликдаги тезкор фаолият, жумладан назорат қилинувчи таъминот ва шў кабиларни оптималлаштириш;

д. ўзаро ҳуқуқий ёрдамни янада ривожлантириш;

е. томонларнинг тегишли халқаро конвенциялар ва баённомаларга қўшилиши ва уларнинг ижроси;

ж. БМТнинг ихтисослаштирилган агентликлари, халқаро ташкилотлари ва мафзаатдор мамлакатлардаги тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳамкорлик механизmlарини яратиш ва ёки мустаҳкамлаш.

2. Ахборот тўплаш ва алмашиш ҳамда тадқиқотлар натижаларини айрибошлаш

Марказий Осие давлатлари наркотиклар савдоси ва наркомания, уюшган жиноятчилик ва террорчилик фаолиятининг салбий оқибатларидан хабардорлигини кучайтириш. Бунда бошқа чоралар билан бир қаторда таълим тизими, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини, уюшмаларни жалб этиш ва шу кабилар кўзда тутилган;

б. иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва уни

рорчилик фаолияти турлари бўйича миллий, минтақавий, минтақаларо ва халқаро миқёсда ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, айрибошлаш ва уни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш зарур, деган хулосага келишиди. Бу эса қўйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

а. барча тегишли ташкилотлар ва идоралар ўртасида, ахборот тизимларига ургу берган ҳолда, ахборот тўплаш, тақдим этиш ва айрибошлаш механизмини яратиш. Бу механизм ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир ахборотни таҳлил этади ва ҳимоя қилади. Ушбу ахборотдан наркотиклар савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи сабаблар ва омилларни аниқлашда ҳам фойдаланилади;

б. кўрсатиб ўтилган ҳодисаларга хос тенденциялар, миқдорлар ва улар ривожини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Шу нуқтаи назардан ушбу масалаларни ҳал этишга, халқаро мониторинг марказини тузиш имкониятини кўзда тутган ҳолда, халқаро ҳамжамиятни кенгроқ жалб этиш зарурлиги хусусида тақлиф киритилди;

в. бу соҳадаги сиёсат ва илгор тажрибани ўрганиб чиқиш, тегишли баҳо бериш ва ривожлантириш.

3. Превентив чораларни мустаҳкамлаш

Марказий Осие давлатлари қўйидаги усуллар орқали самарали превентив чораларни жорий этиш зарур, деган хулосага келди:

а. превентив чоралар дастурини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш; жамоатчиликнинг гиёҳвандлик, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва террорчилик фаолиятининг салбий оқибатларидан хабардорлигини кучайтириш. Бунда бошқа чоралар билан бир қаторда таълим тизими, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини, уюшмаларни жалб этиш ва шу кабилар кўзда тутилган;

б. иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва уни

қўллаб-қувватлаш. Бунда гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва террорчиликнинг сабабларидан бири бўлган қашшоқлик даражасини камайитиришга алоҳида эътибор бериш;

в. наркотикларнинг Марказий Осие давлатларига ноқонуний транзитининг олдини олишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш.

4. Назорат чораларини мустаҳкамлаш ва кучайтириш

Марказий Осие давлатлари инсон ҳуқуқларига ва қонун устуворлигига рияоз қилган ҳолда барча савийа харакатлар эслабди ўтилган иллатларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш чораларидан иборат оқилона ёндашувни ишлаб чиқишга йўналтирилиши лозим, деган хулосага келди. Бунинг учун, жумладан қўйидаги воситалардан фойдаланиш мақсадага мувофиқ:

а. тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига алоҳида эътибор берган ҳолда дахлдор миллий тезкор органлар назорати учун имконият яратиш ва уни мустаҳкамлаш;

б. Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда ва наркотик моддалар транзити мавжуд бўлган мамлакатларда назоратни кучайтириш, миллий ихтисослаштирилган бўлинмалар ва чет элда назорат бўлинмаларини ташкил этиш ёки мустаҳкамлаш;

в. превентив чоралар назоратни кучайтириш ва уларнинг ноқонуний айланганининг олдини олиш.

5. Одил судлов, қонун устуворлиги ва бошқарувнинг самарали тизимини мустаҳкамлаш

Марказий Осие давлатлари наркотиклар савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликнинг илдиэларини ўрганиш лозим, деган тўхтамга келди. Бунга эришишнинг мақбул йўллари қўйидагилардан иборат:

а. қонунчиликни, ҳуқуқий меъёрларни ва механизмларни юқори самардорликка эришиш учун қайта кўриб чиқиш ва зарур ҳолатларда уни янгилаш. Уларни БМТ конвенциялари ва баённомалари, меъёрлари ва стандартлари, шунингдек ЕХХТ доираси-

даги мажбуриятлар билан мувофиқлаштириш;

б. жамият фаол иштирок этиши мумкин бўлган барқарор иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш;

в. қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор фаолиятига тааллуқли чора-тадбирлар қабул қилиш, судлар ва прокуратура органларининг мустақиллиги-одиллиги ва юксак савияда фаолият кўрсатишини таъминлаш;

г. прокурорлар ва судьяларнинг наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчилик масалалари билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган гуруҳларини ташкил этиш;

д. бошқарувнинг самарали тизимини ривожлантириш механизmlарини ишга тушириш, шу жумладан транспарентлик ва порахўрлик ҳамда нопок йўллар билан топилган пулларни қонунийлаштиришга қарши фаол кураш.

6. Кечиктириб бўлмайдиган галдаги вазифалар

Марказий Осие давлатлари мазкур минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига қилинаётган таҳдидалар муносабати билан БМТнинг наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ва ЕХХТнинг ўрта Осиедаги ваколатхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва тегишли ташаббуслар ҳамда лойиҳалар бўйича келгусида ҳамкорлик қилишга умид билдиради. Марказий Осие давлатлари кўрсатиб ўтилган фаолият турларидан айримларини имкони борича тезроқ амалга оширишга даъват этади. Бу борада улар БМТ НМНЖООБнинг наркотик моддаларга бўлган талабни қисқартириш, жумладан наркомания соҳасидаги вазият қўламлиги, шунингдек, Марказий Осие давлатларида наркотик моддаларга ўрганиб қолган одамларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ институционал эҳтиёжларни аниқлашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Тегишли лойиҳа БМТ НМНЖООБ томонидан унинг умумий страте-

гияси доирасида ЕХХТнинг Австрия ваколатхонаси маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Марказий Осие давлатлари ушбу мамлакатлардаги чегара назорати хизмати ходимлари учун тайёргарлик дастурларини тегишли халқаро ташкилотлар ва институтларнинг, шу жумладан БМТ НМНЖООБ ва ЕХХТнинг эксперт ёрдамидан фойдаланган ҳолда қўллаб-қувватлаш борасидаги тақлифларини юқори баҳолашди. Улар БМТ НМНЖООБнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкорлик салоҳиятини миллий миқёсда мустаҳкамлашга ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳа тақлифларини маъқуллайдилар. Шу билан бирга, Марказий Осие давлатлари минтақада уюшган жиноятчиликни тадқиқ этиш ва Марказий Осиеда уюшган жиноятчиликка қарши курашда жиний жавабгарлик билан боғлиқ суд ишлари миллий тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган БМТнинг НМНЖООБ лойиҳаларини эътиборда олмоқда.

Марказий Осие давлатлари юқорида санаб ўтилган фаолият турларининг сиёсий ва молиявий қўллаб-қувватлашини маъқуллайди ҳамда наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчилик таҳдидага қарши курашда минтақа мамлакатларига ёрдам кўрсатишни кучайтиришга ундайди.

Марказий Осие давлатлари БМТнинг наркотиклар назорати, жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов комиссиялари каби тегишли халқаро форумлари, шунингдек, шу каби мазкур мавзуга дахлдор анжуманлар асосида тузилган ушбу ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ривожига тегишли баҳо бериш ва ўзаро тажриба алмашиш борасида қарор қабул қилдилар.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 20 октябр.

Бахриддин аканинг одатдаги иш вақти тугагач, тўғри уйига қайтди. Бир пиёла чой ичган бўлдида қўлига кетмон олиб томорка оралади. Унинг ҳордиғи ҳам, севган машғулоти ҳам шу — томорқада ишлаш. Кафтдеккина ҳовлининг бир қисмига кўкат, қолганига сабзи, картошка эккан. «Қани энди кенгрок ер бўлса, яйраб дехқончилик қилсанг...».

Шу гапни ҳаёлидан ўтказиб ошхона томон юрди. Турмуш ўртоғи ҳам яқиндагина ишдан келиб кечки овқатга уннаётган эди. У ҳам шифокор, бирга ишлашади.

Матлубахонга анчадан буён кўнглига тугиб юрган ниятини айтди. Хуллас, бир ёқадан бош чиқариб фермер ҳўжалиги ташкил этишга аҳд қилишди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач Зомин тумани ҳокими қўбулига кирди.

— Фермерликнинг машаққати кўп, ишни уддалаб кетишга кўзингиз этадими, — аризани ўқиб чиққач Б. Жуманазаровга қаради туман ҳокими Пиримқул ака Соилназаров. Ундан қатъий «ҳа» жавобини олгач, шундай деди: — Бўлди! Айтган ерингизни берамиз. Давлатимиз тadbиркорликни ривожлантиришга катта имкониятлар яратиб қўйибди. Фақат астойдил ишлаш керак. Қачон, қандай ёрдам керак бўлса, тўғри келаверинг. Дўхтирдан ҳам зўр фермер чилишини бошқалар бир кўрсин.

Бу суҳбат қарийб икки йил муқаддам бўлган эди. Унга «Янги ҳаёт» фермер ҳўжаликлари бирлашмасидан 30 гектар ер ажратиб беришди. Фермер ҳўжалигини «Раҳмон ота» деб номлашди. Шу-шу уйи ҳам, дам олиш

ФЕРМЕР ИМКОНИЯТИ

жойи ҳам дала бўлиб қолди. Уйдан эски кароват, кўрпа-ёстиқ келтириб лоток тагини «бошпана» қилди. Сахар мардонда марказга кетаётганлар ҳам, уйига шомда қайтаётганлар ҳам уни ўз «штаб»ида ёки гўзалар орасида кўришарди. Ерга боғланган қолганди. Хуллас, олти ой туну-кун шу ерда қолиб кетди.

— Бош ҳосилот Сайдулла ака Маматқуловга минг раҳамат, — дейди «Раҳмон ота» раҳбари. — Кунда-кунора келиб хабар олди. Эринмай пайкаллари битталаб айланеди. Парваришда нималар эътибордан четда қолаётганини айтади. Гўза ўсишдан орқада қолаётган жойни кўрсатиб сабабини тушунтиради. Пахтачилик билан энди шуғулланишим. Соҳада янгилигимни билган бошқа фермерлар ҳам бу ерга

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

бот-бот келиб туришди. Самимий маслаҳатларини аяшмади. Одамлар яхшилигини эслаб гапириш ҳам яхши фаизлат. Фермер ўзи ҳақида гап кетса кўпроқ ўрганганларини айтади. Бу ҳам фаизлат.

Дастлабки йилдаёқ янги тadbиркорнинг омади келди. Шартномадаги 22 тонна ўрни-

ҳам ўсишга эришилди. Шартнома режаси Зоминда биринчилар қаторида уддаланди. Марра беш иш кунида эгалланди. Дастлабки теримдаёқ ҳосилдорлик 24 центнердан тушди. Ҳозир 27 центнерга яқинлашди. Терим эса давом этапти.

Бахриддин аканинг айтишича бу йил ёнга қоладиган соф фойда 2 миллион сўмга етиб қолади. Ҳали ҳаммаси ҳисобга олинмаган. Тахминий хом-чўтлар шундан далолат берапти. Ундан ташқари олинадиган ўсимлик ёғи, қорва озукаси бор.

Унинг бундан буёнги режалари ҳам катта. Бу ҳақда ўзи шундай дейди:

— Экин майдонимизни 50 гектарга етказишни мўлжаллапмиз. Ҳоким рози, бу ёғини ҳам бўшаширманг, деяпти. Яна бир орауимиз трактор сотиб олиш. Шунда ишларимиз яна ҳам яряшиб, харажатларимиз камаяди. Худо хоҳласа бундан буён юрт тadbирларига биз ҳам баҳоли кудрат ўз улушимизни қўшиб борамиз. Хайрия ишларимизнинг бошланishi сифатида яқинда ёмдаги хотин-қизлар интернатига 100 минг сўм ўтказиб беришни мўлжаллаб турибмиз. Фермер бўлиб давлат-топямиз, элга ҳам нафимиз тегсинда!

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасидан Тоҳир Юлдошев, Жумабой Ходжиев, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солих), Муродилла Казиев, Улугбек Бобожонов, Хомиджон Раҳмонов, Юлдош Умаров, Нажимиддин Жалолов, Шоҳват Каримов, Улугбек Махмутов, Олимжон Абдулмуҳитов ва Усмон Шукуровларга нисбатан айблов хулосаси билан келиб тушган жиноят ишлари суд мажлисида қўришни бошлашни 2000 йил 30 октябр кунига тайинлади.

Судлов ҳайъатининг ушбу жиноят ишлари судда қўриш учун тайинлаш ҳақидаги ажримидан суд мажлисида ҳозир бўлган судланувчиларни ҳимоя ҳуқуқларидан тўла фойдаланишини таъминлаш қайд этилди. Суд мажлисида жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда жабрланувчиларнинг экинлари тақлиф этишга қарор қилинди.

Ушбу жиноят иши бўйича тергов органлари томонидан айбланувчи тариқа-

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Матбуот хизмати.

Касабақўм ва маъмурият ҳамкорлиги

«Тоштўқимачи» очик турдаги хиссадорлик жамияти бугунги кунда нафақат пойтахтда, балки республикадаги энг йирик корхоналардан бири хисобланади. Комбинатнинг салоҳиятини тасаввур килиш учун бир-икки мисоллар келтирсак. Унинг таркибига тўртта йигирув, бешта тўқув, ип, пардозлаш фабрикалари киради. Шу йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра корхонада ишловчилар сони 8 минг нафар кишини ташкил қилган. Уларнинг 67 фоизи хотин-қизлардир.

53 нафар ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари дам олдирилди. Бунинг учун корхона маблагидан 500 минг сўмдан ортиқ пул ажратилди. «Зангори олов» болалар дам олиш масканда эса 120 нафар ўсмирлар соғломлаштирилди. Комбинатга қарашли сана-

миз комбинатда ишлаётган меҳнаткашлар ҳақхуқуқини ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Бунинг учун меҳнат мунозаралари бўйича комиссия тузилган. Комиссия корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат қончилигининг бузилиши ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, асосан ишчи фойдасига ижобий ҳал қилмоқда. Мисол учун шу йилнинг май ойида йигирув-ип фабрикаси чилангари Ф. Абдусаломов томонидан комиссияга ариза тушди. Комиссия шу йил феврал, март, апрел ойлари учун унга қонунга мувофиқ бериладиган пулини ундириб берди. Бу тўловлар ўз вақтида тўланмагани учун эса фабрика маъмуриятдан меҳнат ва маош бўлими бошлиғи Н. Бойбулатова, нормаловчи Р. Якубова, ҳисобчи Т. Присяжников ва бош механик Уринбосари А. Шероқовлар маъмурий жавобгарликка тортилиши сўралди. Ип улочви Л. Шербак ноҳақ ишдан бўшатилганлиги боис қайтатдан ишга тикланди. Уровчи Н. Расулов эса иш жойи қисқартирилганлиги ва унга бошқа иш тақлиф қилинмаганлиги ҳақида ариза берди. Унинг аризаси ҳам комиссия томонидан ижобий ҳал қилинди.

Тўқимачилар ижтимоий ҳимояда

Бундан беш-олти йиллар муқаддам, яъни бозор иқтисодига ўтиш даврида комбинат барча корхоналарда бўлгани каби бир қанча қийинчиларни бошидан кечирди. Чунки биринчидан, ўша пайтларда цехлардаги ишчилар алмисоқдан қолган дастгоҳларда ишлашарди. Иккинчидан, ишчи-хизматчиларнинг ўзлари ҳам бозор шароитида ишлашга тайёр эмасди. Шунинг учун корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот замон талабига жавоб беролмасди. Буни ўз вақтида англаган раҳбарият касаба уюшма кўмитаси фаоллари билан маслаҳатлашиб, цехларни янги, замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан тўлдирдишга қарор қилди ва бу йомуш босқичма-босқич амалга оширилади бошланди. Ишчилар эса замонавий ускуналарни бошқаришга қайта ўқитилди. Натижада комбинатда ҳақон андозалари талабига жавоб бера оладиган маҳсулот тайёрлана бошланди. Ишлаб чиқариш ҳақими ҳам йилдан-йилга ортиб борди. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида хиссадорлик жамиятида 11 миллиард 43 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 13,7 фоизни ташкил этди.

Бозорни ўрганган ҳолда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳозирги замон талабларидан биридир. Буни тушуниган тўқимачиларимиз кейинги вақтларда янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштиришмоқда. Масалан, комбинатда юздан ортиқ турдаги газламалар ишлаб чиқарилади. Уларнинг янгилини шу йилга 50 фоизни ташкил қилмоқда. Бошқача айтганда корхонада чит, сатин, бўз каби газламаларни ишлаб чиқариш билан бирга, шу яқин вақт ичида бризент, сафеткалик ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу эса ўз навбатида корхона маҳсулотини нафақат республикамизда, балки хорижга сотишга имкон яратмоқда. Шу йилнинг ўзида Россия, Туркия, Германия каби мамлакатларга 1 миллион 100 минг АҚШ доллари ҳисобидан маҳсулот жўнатилганлиги фикримиз дадилдир. Агарда ўтган йили шу даврда бу кўрсаткич 650,9 минг АҚШ долларини ташкил қилганлигини ҳисобга олсак, корхонанинг экспорт имконияти йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўрамиз.

Комбинатда белгиланган режаларнинг мунтазам бажарилиши, соф фойданинг ўсиши ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси масалалари билан боғлиқ вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш имконини бермоқда. Маъмурият билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси бандларнинг асосий қисми бажарилишини таъминлашга олиб келмоқда. Масалан, соғлом авлод дастури асосида ўтган давр ичида «Меҳрон» болалар оромгоҳида

ОБОДОНЧИЛИК ВА ТОЗАЛИК ЎН КУНЛИГИ

Жиззах вилоят ҳокимлигида кишга ҳозирлик кўриш, уни намунали ўтказишга масъул бўлган вилоят ҳамда шаҳар корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлди. Унда сўзга чиққанлар табиий газ, элктр энергияси, иссиқ ва совуқ сув таъминотида жиддий камчиликлар мавжудлигини таъкидлади. Вилоят маркази ҳудудини тўлиқ тозалаш, киши мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, йўллар, кўприклар, бинолар ва барча турдаги иншоотларни зудлик билан тартибга келтириш, таъмирлаш зарурлиги қайд этилди.

Меҳнат ва рағбат

«Шардара» ширкат ҳўжалиги бўрдоқчилик билан шугулланади. 150 кишининг меҳнати самараси ўларок ҳўжаликда гўшт ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда.

ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ

Меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил этиш, ишловчиларни иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг дам олиш ва даволаниши учун етарли шароит яратилгани ютуқлар омили бўлмоқда. Ишчиларга ойлик маош, мукофот пуллари вақтида бериб берилмоқда. Зарарли ишда ишловчи 10 кишига 150 минг сўмлик махсус кийим-кечак ажратилди.

Марказий касалхонаси билан тузилган шартномага асосан ҳар бир ишчининг дори-дармони бепул қилиб қўйилди. Жамоамизда 24 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Уларнинг меҳнат шароити ва иш соатлари касабаси уюшмасининг алоҳида назоратига олинган. Агар ўтган йили уларга беш ойлик маошига қўшимча пул тўланган бўлса, соғлом авлод йилида оилаларга моддий ёрдам, бепул дори-дармон берилмоқда. Худудимиздаги Ломоносов номи мактаб билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Биргина шу йилнинг ўзида 20 бола ҳўжалик хисобидан оромгоҳларда ҳордик чиқарди. Ночор оилаларнинг фарзандларига 10 минг сўмлик китоб олиб берилди. 3 ўқувчига ойига 1000 сўмдан стипендия тайин қилинди. Мактабни газлаштиришга 330000 сўм пул ўтказилди. Ҳўлини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига худудимиздаги фермер ҳўжаликлари ҳам муносиб улуш қўшдилар. Улар томонидан ажратилган 1,5 тонна галла кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

«ЧАШМА»ДА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Нурота туманидаги «Чашма» мемориал мажмуида меҳнат бозори ташкил этилди. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Чунки қадимий Нуротда азалдан қўли гул хунармандлар, жумладан истеъдодли сангтарошлар, дурадгорлар, наққошлар, ганчкорлар, чилангарлар истикомат қилади. Ҳозирда бу ерда фаолият кўрсатаётган ўқув марказларида ҳам ана шундай халқ амалии санъати ва хунармандчилигини ўргатиш бўйича қўшимча сабоқлар берилмоқда. «Навойазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизилқумцемент» қўшма корхонаси, «Об-ҳаёт-ЛТД» фирмаси, «Навойдонмаҳсулот» хиссадорлик уюшмаси, Навой кон-металлургия комбинати, «Нуротмармар» корхонаси каби ўттизга яқин ташкилот ва корхоналар вакиллари иштирок этган меҳнат бозоридан 400 нафарга яқин йигит-қиз янги иш ўринлари билан таъминланди.



Касби туманидаги «Қамаши» пахта қабул қилиш жамоа аъзолари ҳўжаликлардан келтирилаётган хом ашёни навларга ажратиб, сифатли қайта ишлаш пайида бўлишяпти. Суратда: масканинг илгор ходимларидан Бахтиёр Ҳайитов, Шомурод Хидиров, Тиломурод Ҳайитов ва Мирбадал Турсуновлар ўзаро фикрлашишмоқда. З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

ИБРАТ НАМУНАЛИ ИШЛАЁТГАНЛАРГА ҲАР ОЙДА МУКОФОТ

Корхонамиз маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасини ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда имзоладик. Унга мувофиқ, ходимларимизнинг иш ҳақлари ҳар ойнинг 5-кунинда тўлаб борилапти. 36 нафар хотин-қизларимизнинг иш вақтлари бир соатга қисқартирилган. Ишчилар белгиланган жадал асосида меҳнат таътилига чиқиб, бир ойлик маош миқдоридан мукофотланади. 10 йилдан ортиқ ишлаган ишчиларимизга 5 иш кунини ҳисобидан пуллик қўшимча таътил бериб бораёпмиз. Шунингдек, хонадонда тўй ёки маърақа ўтказётганларга ҳам худди шундай таътил берилади. Ёш келин-куёвларга 15 кунлик қўшимча пулли, ходимларимизнинг фарзандлари туғилганда ёки улар янги уйларга кўчиб ўтганларида 2 кунлик қўшимча таътилдан фойдаланадилар. Маъмурият ходимлари ва бошланғич касаба уюшма кўмитамиз фаолларининг ҳар бирига жойлардаги маҳалла дўконларини назорат қилиш юклатилган. Улар энг аввало, пештахталарда 8 турдаги маҳсулотларнинг мунтазам туришини таъминлаш ва уларнинг белгиланган нархларда сотилишини назорат қиладилар.

Жамиятимиз маъмурияти ҳар бир ходимни махсус кийим-бош билан таъминлаган. Намунали ишлаётганларга ҳар ойда қўшимча 33 фоиз миқдорда мукофот пули тўланмоқда. 4 нафар сотувчимизни Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига бепул саёҳатга юбордик. 2 нафар ходимимиз «Чинобод» ва «Турон» сыхатгоҳларида дам олдилар. Вилоят миқёсидаги «Жайронхона», «Сурхон», Абу Али ибн Сино номи сыхатгоҳларда 10 нафар хотин-қизларимиз бепул ҳордик чиқардилар. Улар орасида Нарзиой Алиқулова, Барно Уринова каби илгор ишчиларимиз бор. Соғлом авлод йили муносабати билан 18 нафар болаларимиз касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан бепул дам олиши таъминланди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 50 минг сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар тўхфа қилинди.

Боймурод ХОЛОВ, Сарносиё тумани савдо ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси.

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД — ота-она шўри, умр эгови

(Боши 1-бетда). «Абдурахмон» лақабини олган Қахрамон ҳар иккала лагерда беш ой тайёргарликдан ўтди. Ваҳобийлик таълимотини ўрганди, назом ўқий бошлади. Синов машқлари тоғли худудларда ўтказилди. Ўлиб ташлаган эътиқод чечаги ўрнида қалбида хиёнат дарахти бўй чўзган Қахрамон юввошига бўлиб ўз оиласи, ота-онаси хузурига қайтиб келди. Устамонлик билан ўзини Россияга бориб ишлаб келган қилиб кўрсатди. Дастлаб қалбида ёвузлик томир ота бошлаганини на отаси Шихназар ака, на онаси Санамжон опа, ҳатто умрдоши Нигора ҳам билмади. Ёвузликни ҳар қанча бўяб-бежаман, у барибур буй кўрсатади. Қахрамон фелъ-атвориди ўзгартирилган ҳам сезилмай қолмади. У ўзини фузало тутиб, атрофдагиларга паст назар билан қарарди. Аммо, халқимиз топиб айтганидек, бузоқнинг югургани сомонхонагача. Кўп ўтмай «Абдурахмоннинг сирини тегишли идоралар томонидан фож қилинди. Судья М.Нурматов раислигида ўтган Хоразм вилояти судининг йиғилиши Қахрамон Машариповнинг қабих ҳаракатларига яқун ясади. У 13 йилга озодликдан маҳрум этилди. Хўш, Қ.Машарипов нега «Ваҳобий» реакция гуруҳига қўшилиб кетди? Шунга ўхшаш бир қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Ҳазорасп туман ҳокимлигида бўлдиқ. Қарангки, туманининг айрим раҳбарлари Қахрамон Машарипов ҳақида ҳеч нима билмас эканлар. Меҳнат фахрийси Назарбой Исломов билан юзи шу. Уйд йигит туғилиб ўсган уйда бўлдиқ. Бизни минг миқжатда отаси Шихназар ака қарши олди. Санамжон опа туман шир-

фохонасида ҳамшира бўлиб ишлар, оилада тўрт фарзанд, уч келин, олти набира бор экан. Эзилган, виждон азобидан қийналган ота-она нима дейишларини биллишмас, уятдан кўзларини олиб қочишарди. Нима эксанг, шуни ўрасан, деб бекор-боя айтишмаган. Ахир ота-она фарзандлари бемақсад алламахалгача кўча тентираганида, баъзида неча кунлаб уйга келмай қўйганида ҳам хушёр тортишмади. Йўлдан адашётган фарзандлари тақдир билан қизиқишмади. Мана энди эл-юрт олдида иснодга қойиб ўтиришибди. Уларга зимдан назар ташларканмиз маҳалла оқсоқолининг: ноқобил фарзанд ота-она шўри, умр эгови, деган сўзларини эсладик. Туманда қора гуруҳларга қўшилганлар яна бор. Мухомон қишлоғидаги «Хоразм» жамоа ҳўжалигининг 6-бригадасида яшовчи Тўхтабой Маточов ҳам лақмали-

раб қолди. Р.Оллоберганов раислигида ўтган Хоразм вилояти суди йиғилиши Т.Маточовнинг барча қилмишларини фож этиб, унга 16 йил қамоқ жазоси белгилади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ақсарият ўғил ва қизлари она Ватанини улуғлаш, унинг бойлигига бойлик қўшиш орзусида садоқат билан меҳнат қилмоқдалар, илм чўққиларини эгалламоқдалар. Уларнинг фидойилиги, изланувчанлиги, ташаббуси натижасида эришилаётган улкан муваффақиятлар садоқат, эътиқод рамзидир. Аммо истиқлол берган улғунемат, бахту саодатнинг қадрига етмаётган, «жаннат» ваъда қилаётган ганимларнинг пуч ваъдаларига учиб Ватанига, халқига хиёнат қилган бахтсиз, адашган бандалар ҳам борлиги кишини ўйлантиради, чуқур мулоҳазага ундайди. Эндликда минг бор таъба-тазарру қилиб, аччиқ кўз ёш тўкаётган бундай кимсалар қисмати аччиқ сабоқдир. И.ХОЛИСОВ, Т.БЎРИЕВ.

Мавзуга қайтиб НОГИРОНИ ҚЎЛЛАШ ШУНЧАЛАР ҚИЙИНМИ?

Газетамизнинг шу йил 13 сентябр сонидан чоп этилган «Хато тан олинди, бироқ ногирон ҳамон сарсон бўлмоқда» сарлавҳали мақолада Тойлоқ туманидаги «Жумабозор» деҳқон бозори сабоқ ишчи А. Панаев гайриқонуний ишдан бўшатилган, мажбурий бекор юрган вақти учун тоvon пули ва ногиронлик нафақасини ундириш ҳақида туман суди қарор қабул қилгани, бироқ амалда у ханузгача ўз ҳақини ололмаётгани билан боғлиқ юргани, мутасадди ташкилот раҳбарлари эса ушбу масалага жиддий эътибор бермаётгани ва бошқа камчиликлар хусусида қарор қилинган эди. Самарқанд вилояти бозорлар уюшмаси раиси У. Хусановнинг газетанинг юқоридаги танқидий чиқиши юзасидан тахририятимизга йўллаган жа-

вобидан асосан А. Панаевдан тўланмаган тоvon пули ва нафақадан қарздорлик қанчани ташкил этиши тўғрисидаги маълумотлар зикр қилинади, холос. Жавобини охирида эса қуйидаги жумлани ўқийсиз: «Ушбу қарз суммаси бозор тоmonидан ноябр ойи тушумининг 50 фоизи бюджетга ўтказилгандан кейин тўлаб берилиши бозор раиси З. Нажмиёва юклатилди».

Жавобдаги галати жумлага баҳо беришни қўйиб турайлик-да, фуқаро А. Панаевга нима учун ноябр ойи тушумидан пул тўланиши керак, деган саволни бериб қўрайлик. Неча ойлардан бундан саргардон юрган бир ногироннинг қонуний ҳақини наҳотки сентябр ёки октябр ойида бериш мумкин бўлмаган бўлса... Яна бир савол: агар ноябр

ойи тушуми кўзланганидан кам бўлиб қолса-чи. Унда сарсонгарчилик яна давом этаверадими? Дарвоқе, мазкур танқидий мақола Тойлоқ тумани ҳокимлиги эътибори учун ҳам юборилган эди. Лекин белгиланган мuddат ўтганига қарамасдан жавобдан дарак йўқ. Бу ҳақда У. Хусанов ва Тойлоқ тумани ҳокимлигиндан аниқ жавоб кутамиз.

(Ўза).

Маънавият

ОНА — КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда бежиз уни она сиймосига қибс этмаганлар. Зотан, оналик Яратганнинг аёлга мархамати бўлиб, дунёдаги барча инсонларни камолга етказадиган фазилатлар деб ҳисобланади.

Ростдан ҳам она меҳри билан ёнма-ён яшаш, унинг азиз нафасини ҳис этиш, сўзларини тинглаш, нури кўзларига боқиб — фарзанд учун нақадар қувончли. Бу туйғуларни дунёнинг ҳеч бир лаззати билан алмаштириб бўлмайди. Қадимги юнонларда гўзаллик маъбудаси Афродитанинг вужуди денгиз тўқинлари кирғоққа урилганда юзага келувчи шафқат билан турчилардан яралган, деган ривоят бор.

Ҳар қандай буюк шахс ортида аёл туради

«Ҳар бир аёлнинг ақлини ўлчамоқчи бўлсангиз унинг кўл остидаги болаларига боқинг!» деган экан. Агар аёл гўзал тарбияли бўлса, бу унинг фарзандларига ҳам ўтади, эл-юрт ҳамда халқ орасига тарқалиб мустаҳкамланади, бундан жамият ҳам манфаат қуради. Зеро, бизнинг буюк аждодларимиз ораси ҳам, армони ҳам худди шу қомилдорлик маъбудаси Анахитанинг мўъжизаларига ишонишган. Улкамизнинг қадимий ҳайкалтарошлари Анахитани бир қўлида олма ёки анор ушлаб турган аёл суратида тасвирлаганлар, нафосат ва гўзаллик, жасурлик ва ботирлик, меҳр-шавқат ва ўткир ақл-идрок, мўл ҳосил ва бахт Анахита тимсолида ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида она — тинчликка интилиш, вафодорлик, яхшилик, ҳиммат ва садоқат рамзи сифатида талқин қилинади. Бир сўз билан айтганда, онанинг гўзаллиги, фароғатини таъминловчи, устуни бу — аёлдир. Эраклар барча хулқ тарбия хусусида аёлга бўйсундилар, бошқа ҳеч қандай буюк одамлардан олмувчилар

Илоҳий илм хазинаси ташласак, қизиқ бир ҳолатни кўрамиз: Муқимий онаси Ойшабидан, Мунаввар қори онаси Хосиятхон отиндан, Фитрат онаси Бибихондан, Исҳоқхон онаси Хурбидан тарбия ва илк бор илм сирларини ўрганиб, миллати, юрти учун жонкуяр инсонлар бўлиб етди. Сир эмаски, фан, маданият, санъат соҳасида дунё ҳаваас қилса арзиғулик ютуқларни қўлга киритишимизда аёлларимизнинг ҳиссаси кам эмас. Улар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жабҳаларида фаол иштирок этишяпти. Бироқ аёлнинг «Уйдан чиқиб кетишини» унинг ижтимоий соҳалардаги фаоллигини рад қилувчи қарашлар аҳён-аҳёнда бўлса-да учрайди. Гўёки аёл фақатгина оиласи, турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун яшаса қийодек. Тўғри, биз бу тамойилларни инкор этмаймиз. Лекин аёл, аввало, она, қолаверса, ўзига хос индивидуал сифатларга эга бўлган шахс, унинг ўз дунёси, ўз қараш, ўз орзу-умидлари бор. Аммо кўпинча хотин-қизларимиз бу ҳақиқатни ошқор қилишни истамайди.

Донишмандлар «Ҳар қандай буюк шахс ортида аёл туради», - деб беркорга айтишмаган. Пайгамбарларимиз ҳадисларидан ҳам «Ҳар бир эрак хотиннинг динидандир» дейилади. Бу ҳикматли сўзлар замиридаги ҳақиқатни дастлаб аёлларнинг ўзлари мағзини қақиб, бу улкан масъулиятни англаб етишлари керак. Эраклар оилани боқиб ва бошқаришнинг барча машаққатини ўз елкаларига олиб, оилада еганида вужудига оғрик қиради. «Эй, сен тангри яратган маҳлук, холиқдан уялмидингми — эгасини рози қилмасдан бу нарса ни дедан нидо келади. Нафақат ўтмиш, балки яқин давримиздаги тарихимиз миллатимизнинг етук намўнадаларининг таржимаи ҳолига назар

Одинахон БОБОЕВА.



Пойтахтимизда Япония маданияти кунлари муваффақиятли ўтди. Япониялик санъат усталарининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.



Айниқса, Алишер Навоий номидаги Академик Катта театрида ўтган концерт дастурида ногорачилар гуруҳининг юксак маҳорати томошабинларнинг давомли олқишлари билан кутиб олинди. Суратларда: концерт пайти. Алишер РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ҳамшира-2000

ЕТТИНЧИ САРҲАД

Республика ҳамшираларининг VII кўрик-танлови кўни-кеча ниҳоясига етди.

Соглом авлод дастурига сўра ҳамшираларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўтказилган мазкур танлов беш босқичдан иборат бўлиб, ҳамширалар дастлаб аъён-навий ташриф шартларини бажаришди. Унда ҳар бир вилоят голиби ўзи тугилиб ўсган юрт тароватини, муқаддас тўроқ маҳдини намойиш этиш билан бирга ўзлари ҳақида ҳам маълумотлар беришга интилишди. Ун тўрт голиб ун тўрт марта пойтахт аҳлига, ўзбек, инглиз ва лотин тилларида алангали салом йўллашди. Иккинчи шарт уларнинг назарий билимларини, касбга оид саволлар орқали синовдан ўтказган бўлса, учинчи шарт бўйича ҳамшираларининг ижтимоий-сиёсий билимлари халқимизнинг урф-одатларини, адабиёт ва санъатини, маданиятни қай даражада билишлари имтиҳон қилинди. Тўртинчи шарт бўйича мурраккаб жараёнлар, касб амалиёти, назарий билимларнинг ҳаётга татбиқи, фавқулдат ҳолатлар рўй берганда ҳамшираларнинг қандай чора-тадбирлар қўллаши, яъни амалий кўникмалари кўриқдан ўтказилди.

Ҳамшираларимиз нафақат ўз соҳаларининг етук билимдонлари, балки адабиёт ва санъатнинг муҳлиб сифатида ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Улар ижросидаги саҳнавий кўринишларда, куй ва кўшиқларда халқимиз тарихи, маданиятимиз ва санъатимиз бўй кўрсатди. Саҳнада истиқлол фидойилари мустақиллик учун жонини нисор этган улғу алломаларимиз, миллий қахрамонларимиз, халқимизнинг олим фузалолари, шoir ва ёзувчилари қайта жонланди. Шахид кетганлар, пир комил устодлар ёдга олинди, улар ижро этган куй ва кўшиқлар, хиромон рақслар ёш ҳамширалар ижросида халққа тақдим этилди. Шеръ ва кўшиқларда муқаддас аёл, она юрт, ватан жамоли, миллий қадриятларимиз, меҳнаткаш халқимиз, доно Юртбошимиз, келажакда бўлган буюк ишончимиз мадҳи янгради. Навоий вилоти голиби Р. Бекмуродова ижросидаги «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон» саҳнавий кўриниши, унда ақл эттирилган воқеалар, андижонлик Х. Орифжонованинг «Бирлашмоқ ганимат жавобимиздир», деган сўзлари йиғилганлар қалбини ларзага солди. Фароналик Ю. Мамадалиева ижросидаги халқ кўшиқлари термаси, «Андижон полкиси» (Х. Орифжонованинг «Сурнай навоиси» (Ш.Бекчанова, Хоразм), «Доира» (М. Исоқов ва Жижзах), «Ягона қиз» (Н. Содиқова, Тошкент) каби кўшиқ ва рақсларни мириқиб томоша қилган сеvimли хонанда Шухрат Қаюмов ҳамшираларимизнинг ҳеч бири профессионал санъаткорлардан қолишмаслигини

СЕУЛ ШАҲРИГА ИЖОДИЙ САФАР

Қўзи оғиз болалар республика маҳус мақтаб-интернати ҳузурида бир неча тўгарак ишлаб турибди. Болалар хор жамоаси фаолияти ҳам эътиборни ўзига тортади. Таҳсинга сазовор томон шундаки, интернетнинг истеъдодли ўғил-қизларидан ташкил топган мажмуа ёш ихрочилар гуруҳига жанубий корейлик ишбилармон жаноб Квас Сангхон бадиий раҳбарлик қилмоқда. Бу фидойи тadbиркор музика санъати билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Шу сабабли ҳам у мажмуа хор жамоасини тузиш ташаббуси билан чиқди. Ҳозир хор жамоаси репертурида бир неча кўшиқ бор. Шулардан янгилари яқинда ўтказилган кўшиқлар республика танловида соворили муқофотлар билан тақдирланди. Ўзбекистон кўракор жамияти ва Тошкентдаги «Пири-Аъзам» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ҳамкорлигида уюштирилган бу ижодий кўриқда хор бадиий раҳбари фаолиятига ҳам яхши баҳо берилди. Жаноб Квас Сангхон саъй-ҳаракати билан болалар хор жамоасининг Жанубий Корейнинг Сеул шаҳрига ижодий сафари уюштирилган бўлди. Бу гастрол Сеул-Токио — Нью-Йорк-Европа йўналиши бўйича давом этади.

БИЛА-СИЗМИ?

Талайгина жой номлари арабча бўлиб, улар тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Масалан, Адан қўлиги Арабистон ва Сомали ярим оролларида жойлашган. Бу ном денгиз соҳилларида деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ (адн — арабча «ўтроқ» дегани) халқ номидан олинган. Дажла — Фарбий Осиёдаги дарё. Араблар Дижла деб юртакдилар. Ҳар иккала шаклда ҳам маъноси бир хил, яъни «дарё», демакдир. Нил — Африка қитъасидаги энг узун дарё. Нил сўзи қадимги мисрликлар тилида «дарё», «сув» каби маъноларни аналган. Нил дарёсининг Оқ Нил ва Қўқ Нил каби ирмоқлари шу дарёлар сувининг рангига қараб номланган. Форс қўлиги — хинд океани қўлиқларидан бири. У Жанубий Эронда яшовчи форс қабилалари номи билан аталган. «Форс» сўзи қадимги хинду тилида «чағандозлар», яъни йилқичлик билан шуғулланувчи халқлар маъносини аналтади. Фрот — Фарбий Осиёдаги дарё. Дарёнинг номи «чучук сув» маъносини билдиради. Чунки дарё атрофида шўр ва шўртоқ сувли қўллар ҳамда қудуклар қўл. Улик денгиз — Осиёнинг гарбидаги қўл. Қўл суви жуда шўрлиги туфайли унда органик ҳаёт йўқ. Шу боисдан қўл «Улик денгиз» деб аталади.

А. АЛИЕВ.

Футбол

ЧОРАК ФИНАЛ. ЯРИМ ФИНАЛ. ФИНАЛ

Афсуски, бу баҳслар Ўзбекистон терма жамоаси иштирокисиз ўтадиган бўлди

Футбол... Ливан... Ун иккинчи Осиё чемпиони... Ҳўрлиги келган бола оғзидан чиқадигандек узук-юлук ушбу сўзлар қозога ташаёттуру, кўнгилнинг бир четидан «ёзмаса нима қилади» деган ўй ўтади. Рост-да, гуруҳ ўйинларини ниҳоятда бўш ўтказиб, жаҳон футбол рейтингидида шундоқ ҳам қўйи погоналарни эгаллаб турган терма жамоамиз мавқеини янада ерга уриб мuddатидан илгари юртга қайтган футболчиларимиз ва уларнинг мураббийлари шаънига айтилажак гина-қудуратлардан бугун кимга фойда-ю, кимга зарар. Умуман, ҳозир аламдан ловуллаб турган пайтимизда бирор жўяли фикр айтишга қодиримизми? Балки, бироз нафас ростлаб олишимиз керакдир? Нима бўлганда ҳам энди биз бир ҳақиқатни очик-ойдин айтишимизга тўғри келади. Бу муваффақиятсизлик, таъбир жоиз бўлса, олдиндан «режалаштирилган» эди, десак муболага бўлмайди. Бир ёдга олиб кўрайлик-чи, олий лига иккинчи даража ўйинлари тақвими қачон эълон қилинган! Иккинчи даврданг биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтгандан кейин (?). У ҳам бўлса, турли изоҳлар билан. Қарангки, ҳатто охириги бир неча тур ўйинлари ўтказиладиган саналар очик қолдирилди ва буни ҳам XII Осиё кубоги баҳслари Ўзбеки-

стон терма жамоаси иштирокига бевосита бўлмаса-да, билвосита ишончсизлик, деб тушуниш мумкин эди ўшандаёқ. Шундай бўлди ҳам, фақат энди тўхтаб қолган олий лига учрашувлари қачон давом эттирилишини билишгина қолди. Ҳа, юқорида зикр этиб ўтганимиздек, футболимиз бошида хали кўп қалтаклар синади. Ҳисобот ва таҳлиллар натижа и бунақа ҳолларда одатда бўладиган сценарийга мувофиқ олий мураббийни вазифасидан олиб ташлаш билан яқунланар балки... Кошки, шу билан ишлар юришиб кетаколса, кошки, барча муаммолар тренер алмаштириш билан сувдан қил сургандек осонликча битса! Тўғри, Ю.Саркисян ишончини оқлолмади. Инсоф билан айтганда, унинг ўрнида бошқа одам бўлганда ҳам бирор эпакали натижага эришиши қийин эди. Бойси терма жамоамиз Осиё чемпионатида ҳар томонлама шакланган, пухта тайёргарликка эга бўлган жамоа сифатида боролмади. Зеро, ким бўлишидан қатъи назар янги бош мураббийга жуда оғир бўлади. Сабаби терма жамоани янгитдан барпо этишга тўғри келади. Чунки, ҳеч қанча вақт ўтмай янги XXI асрнинг дастлабки жаҳон чемпионати учун саралаш матчлари бошланади. Эслатиб, ўтамыз, у Осиё қитъа-

сида, бир йўла икки мамлакат — Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтади. Бу демокки, майдон эгалари сифатида улар саралаш машаққатларини бошдан кечирмайдилар. Лекин айни вақтда Осиё қитъаси учун бор-йўғи яна иккита йўлланма қолдирилганлиги назарда тутилса, осийликлар, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам енгил бўлмаслигини олдиндан башорат қилиш мумкин. Шундайки, «ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» мақолига риоя қилиб баррака топган деҳқон каби футболчимиз қилиш устида бугундан бошлаб киришилмаса, кейин яна аттан, деб қолиш ҳеч гап эмас. Буларнинг бари фаразлар, таҳминлар, башоратлар сирасидан айрим қайдлар, холос. Лекин бугун биз локал мақбул хулосалар чиқариш учун ҳам Ливанда қизгин паллага кирган Осиё кубоги учрашувларини кузатишга мажбуримиз. Бу, қолаверса, Жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларидаги эҳтимол тутилган рақибларимиз ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишимиз учун ҳам зарур. Кўрамиз, асримизнинг сўнги чемпионлиги қайси жамоага nasib этаркин: Япониягами ёки Жанубий Кореяга, Эронгами ёки Хитойга? Биз улар орасида Ўзбекистон терма жамоаси бўлишини қанчалар истаган эдик-а...

З. РИХСИБЕВ.



Куни кеча пойтахтдаги «Боғи Эрам» оромгоҳида шаҳар халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан «Салом, олтин куз» деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Шайхонтоҳур туманидаги Лутфий номи 254-гимназия мактаби ўқувчилари ўз фаоллиги билан ажралиб турди. Айниқса, мактабнинг 11-«Б» ва 9-«В» синф ўқувчилари намойиш қилган миллий кийимлар ва театрлаштирилган дастур йиғилганларда, кечада иштирок этган бельгиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширишда 01.35.